



ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСНИНГ НАЗАРИЙ- ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Норкулов Дусмурат Ташпулатович

Фалсафа фанлари доктори, Тошкент тиббиёт академияси

Ижтимоий фанлар кафедраси профессори

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10208353>

ARTICLE INFO

Received: 19th November 2023

Accepted: 26th November 2023

Online: 27th November 2023

KEY WORDS

Тарихий-маданий мерос, ижтимоий фалсафий асос, миллат ўтмиши, ҳаётий тажриба, гносеологик тажриба, моддий-маънавий бойликлар, ижодий фаолият, феномен, инновацион ривожланиш, ижобий тажриба, интеллектуал салоҳият, Ҳаракатлар стратегияси, миллий қадриятлар, концептуал ғоя, илмий методологик асос.

ABSTRACT

Мазкур мақолада тарихий-маданий мероснинг илмий ва ижтимоий фалсафий асослари, унинг халқ, миллат ўтмиши, ҳаётий, гносеологик тажрибалари ва моддий, маънавий бойликлари, артефактлари билан боғлиқ алоҳида воқелик, феномен экани очиқ берилган. Тарихий-маданий мероснинг халқ, миллат ижтимоий борлиғига, гносеологик изланишлари ва тажрибаларига, оламни ўзгартиришга қаратилган ижодий фаолиятига тааллуқли алоҳида феномен экани ёритилган. Инновацион ривожланишда тарихий-маданий меросдаги ижобий тажрибалардан, интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланишга оид назарий хулосалар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида “Янги Ўзбекистон стратегиясининг мустақкам таянчи ва суянчи бўладиган тарихий-маънавий омил, яъни бизнинг энг катта бойлигимиз – халқимизнинг улкан тарихий-маданий мероси, интеллектуал салоҳияти мавжудлигидир.” [1. – 34 б.]

Ижтимоий борлиққа оид воқеа ва ҳодисалар, уларни англашга, билишга қаратилган жараёнлар, воқеликларни феноменлар деб аташ қадимги юнон файлсуфларидаёқ учрайди. Бироқ уларни фалсафада, гносеологияга оид воқелик сифатида ўрганишни асосан И.Кант ва Гегель бошлаб беришган. И.Кант фикрига кўра, феномен алоҳида, ўз хусусиятларига эга воқелик (apparentia) ҳисобланади. “Тажрибаларнинг умумий тушунчаси-эмпирик, унинг объектлари – феноменлар, тажрибалар қонунлари ва умуман, ҳар қандай ҳиссий билиш эса феноменлар қонунлари деб аталади” [2: С.392]. Файласуф феномен ва ноумен ҳақида тўхталиб, уларнинг ҳиссий билишга таъсирини очиқ беришга ўтади. Бу уни феноменнинг вақт ва макон билан боғлиқ эканини очиқ беришга етаклайди. Вақт ғояси, унинг ёзишига кўра,



ҳиссиётдан туғилмайди, балки ундан аввал келади. Ҳақиқатан ҳам, вақт ғояси орқали, биз ҳиссиётимизга таъсир қиладиган нарса кетма-кет келадими, у ҳақиқатан ҳам борми, кетма-кетлик вақт тушунчасини яратмаслигини, балки унинг борлигини кўрсатишини англаймиз. Вақт ҳар бир нарса, воқелик учун хусусийдир. Бутун борлиқ учун ягона бўлган вақт йўқ. Демак, ҳар бир феномен, воқелик ва нарса сифатида, ўз вақтига эга. Аммо бу вақтни англаш, тасаввур этиш мумкин. И.Кант фикрига кўра, мазкур билиш ҳиссиётдан олдин келган феноменлар билан боғлиқ ва муносабатларнинг шарт-шароити ҳисобланади. Вақт узлуксизлик ўлчови ва Коинот ўзгаришларидаги узлуксизлар қонунларининг принциpidир. Вақтни билиш, англаш принципи феноменларнинг қандай, қаерда ва қандай вазиятда кечганини тадқиқ этишга имкон беради. Моҳиятан вақтни билиш субъектив ҳодиса. Шунинг учун, вақт қандайдир объектив ва реал нарса эмас: у субстанция ҳам, акциденция ҳам, муносабат ҳам эмас, субъектив шароит сифатида, инсон ақлу идрокининг маълум бир қонунга мувофиқ барча ҳиссий идрок этиладиган нарсаларни координация қилиш учун зарур соф мушоҳада. Биз субстанциялар ва акциденцияларни бир вақтнинг ўзида ва кетма-кетликда координация қилишни вақт тушунчаси орқали амалга оширамиз, шунинг учун ҳам вақт ҳақидаги тушунча, шакллари принципи сифатида, улар ҳақидаги тушунчадан олдин келади.

Файласуфнинг вақтни субъективлаштиришга интилиши билан баҳслашиш мумкин, бироқ у бизнинг вазифамизга кирмайди. Аммо файласуфнинг вақтнинг кечиши билан феноменларнинг кечиши ёнма-ён рўй бериши ҳақидаги фикрлари биз учун муҳим. Вақтни И.Кант субъектив мушоҳада сифатида тавсия этса-да, у феноменнинг объектив борлиқ, реал ҳодиса, ноумен эканини очиқ эътироф этади. Вақт қўйнидаги феномен вақтдан айрича кечадиган ҳодиса эмас, вақт тушунчаси субъектив ҳодиса бўлса ҳам, у феноменни ҳам субъектив ҳодисага айлантирмайди, инсон уларни уйғун идрок этганида метафизик мушоҳадаларга берилади, ўз тасаввурларидаги ғояларни уларга кўчиради. Бу табиий ҳол, инсонга хос фалсафий, метафизик англаш усулидир.

Макон ташқи борлиқнинг ифодаси ҳисобланади. И.Кант фикрига кўра, у инсон ақлу идрокига, субъектив қарашларига боғлиқ эмас, ундаги ҳиссий билиш макон таъсири туфайлидир. Аммо макон ҳақидаги тасаввур, тушунча соф мушоҳада бўлиши мумкин, яъни инсон ташқи борлиқни англашда субъектив мушоҳадаларга берилади, уни ўз тасаввурларига мувофиқ идрок этади, изоҳлайди. Макон ҳиссий идрок этиладиган дунёнинг мутлақ биринчи принциpidир, чунки, Коинотдаги объектлар феноменлар бўлгани учун эмас, балки, асосан шунинг учунки, у ўз моҳиятига кўра, ҳиссий билишга оид барча нарсаларни қамровчи ягона умумий принципдир. Демак, Коинотдаги объектлар, реал воқелик феноменлардан иборат. Улар маконнинг ҳамма ерида, агар Коинот бирор нималар, важлар билан тўлдирилган экан, демак, ушбу нималар, важлар феноменлар сифатида идрок ҳам этилади. Коинот вақт ва макондан иборат “феноменлар дунёси формал принципи”га қурилган. Феноменлар вақт ва макон орқали ўзини аён ва намоён этади, уларни бир-бирига қарши қўйиш мумкин эмас. Вақт ва маконга “тааллуқли ягона умумий принцип” феноменларга ҳам тааллуқлидир. Ҳиссий идрок уларни алоҳида қараши мумкин, бироқ улар ўртасидаги диалектик



боғлиқликни, уйғунликни илғамаслик, кўрмаслик мумкин эмас. Нима бизнинг ҳисларимизга объект сифатида таъсир этса феномендир.

Феноменлар биринчидан, физикада ташқи ҳис феноменлари, иккинчидан, эмпирик психологияда ички ҳис феноменлари сифатида қаралади ва очиб берилади. Бу фикрларидан маълум бўладики, инсон онгига, ҳис туйғулари, тасаввурлари ва мушоҳадаларига нима объект сифатида таъсир этса, у феномен ҳисобланади.

Тарихий-маданий мерос инсон онги, шуури ва тасаввурларидан ташқарида, у шахс туғилмасидан олдин яратилган, авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган объектдир. Юқорида И.Кант назарда тутган узлуксизлик тарихий-маданий меросда ворисийлик принципи сифатида аниқ намоён бўлади. Бироқ биз савол қўйишимиз мумкин: тарихий-маданий мерос фақат ташқи объект сифатида онгимизга, шууримиз ва тасаввурларимизга таъсир этадими? Унда этногенезга, этнопсихология ва этномаънавиятга оид ҳеч нима йўқми? Авлодлараро рефлексив алоқаларни инкор қилиш тарихий-маданий меросни сийқа талқин қилишга олиб келмайдими? Тарихий-маданий меросни ташқи объект сифатида идрок этиш уни фақат моддий томонинигина эътироф этишни келтириб чиқармайдими? Бизнинг ички руҳий оламимиз фақат ўз тажрибамиз, кечинмаларимиз маҳсулими, уларда тарихий-маданий меросни яратган аждодларимизнинг априорик ва гносеологик тажрибаларининг таъсири йўқми? И.Кантнинг “феноменлар ғоялар ва объектларнинг мутлақ ва ички сифатини ифода этмайди, балки нарсалар образининг моҳиятидир” [3: С.396], деган фикрида ўша ички маънавий тажрибалар таъсири шубҳа остига олинади. Ҳа, тарихий-маданий мерос “буюк икки принцип”, яъни вақт ва макон нуқтаи назаридан ўзига хос феномен сифатида келади. Унда ушбу икки принцип амал қилса-да, тарихий-маданий мероснинг “ўзи-ўзи учун” ёки И.Кантнинг ибораси билан айтганда, “соф мушоҳада”нинг ўз ўрни борлигини унутиб бўлмайди. Тарихий-маданий меросга хос бўлган традиционализм ва ворисийлик, узлуксизлик айнан ички маънавий омилга, этнопсихологик таъсирларга эътибор қаратишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам тарихий-маданий меросга фақат моддий-маданий бойликлар мажмуаси, ташқи объектлардан иборат артефактлар сифатида қараш етарли эмас.

Гегель “Руҳ феноменологияси” асарида асосан диққатини нарсалар ва билиш хусусиятларига қаратади. Руҳ ва илм-фаннинг онг феноменига таъсири масалаларини муҳокама қилади. Агар унинг субстанция, материя, ҳиссий билиш каби масалалар борасидаги фикрларига асослансак, Гегель феномен категорияси ҳақида деярли ҳеч нима демайди, ваҳоланки, мантикий ёндашсак, у феноменологиянинг назарий асослари тўғрисида фикр билдириши керак эди [4: С.79-129]. Бертран Рассел ёзганидек: «Гегель таъкидлайдики, нима ҳақиқатан онгли, барча онгли нарсалар ҳақиқат. Аммо у (яъни Гегель) ҳақиқат деганида эмпирик назарда тутадиган “ҳақиқат”ни назарда тутмайди... У онгли ва ҳақиқатни айнанлаштирганида” нима бор, у ҳақиқат” деган қарорга асосланган бир томонлама бир оз кўнгилчанликка берилади [5: С.672]. Хуллас, Гегелни англаш қийин, ундаги чалкаш фикрлар феноменологияни назарий фалсафий қараш сифатида англашга имкон бермайди. Унда спекуляция ва мистицизм борлигини Б.Рассел ҳам эътироф этади. Умумий нуқтаи назардан Гегель



феноменни мутлақ ғоя, онг каби воқеликлар, нарсаларнинг онг билан боғлиқ ифодаси, акси сифатида талқин этади.

Феноменни фалсафа методига айлантирган, унга маълум бир таърифлар берган, онг ва билиш жараёнларини феномен тарзида тадқиқ этган Э.Гуссерль (1859-1938)нинг асарлари мавзумиз учун катта аҳамиятга эга. Унинг феноменологиясининг шаклланишида тавсифий психология назариясининг асосчилари К.Брентано ва К. Штумпфа, мантиқшунослар Лотце, Больцано, Фреге, историцист Дильтей ва неокантиантликнинг трансцендентал идеализм оқими тарафдори Наторп ҳамда классик файласуфлар Платон, Аристотель, Декарт, Кант, Лейбниц, Локк ва Юмнинг таъсири мавжуд. У ўзининг мантиқшуносликка оид илк асарларидаёқ психологизм ва эмпиризмдан фарқ қилувчи феноменологизм методини яратишга интилади. Гуссерль фикрига кўра, “феноменология метафизик тушунчалар билан боғлиқ бўлмаган назарияларгача ва охиргидан олдинги фандир”. Бундан келиб чиқадики, билиш ва онг воқелигидан олдин англанадиган нарсалар борки, феноменология айнан шу нарсаларни тадқиқ этади. Бу нарсалар метафизик мушоҳадалар ва эмпиризмга боғлиқ тарзда мавжуд эмас, улар “якка феноменлар” сифатида “соф феноменология” объектларидир. Платон назарда тутган “эйдос” ва “аргіогі”, кейинчалик янги давр фалсафасининг “нарса ўзида”, “ўзи-ўзи учун”, “трансцендентал онг” тушунчалари Гуссерль томонидан янгича талқин этилади. Унинг гносеология ва онгнинг билиш функцияларига оид асарлари феноменологияни фалсафий фан сифатида тасдиқлашга қаратилган. Шунинг учун Гуссерль фалсафаси, моҳиятан феноменологияни ўз мақсади ва вазифаларига, методларига эга фан сифатида асослашга қаратилган. Гуссерль фалсафага “феноменал редукция”, “трансцендентал феномен”, “маънавий феномен”, “метафизик феномен”, “феноменал интенция”, “феноменал ноэма”, “тарихий феномен”, “маданий феномен” каби кўплаб тушунчаларни олиб қиради ва уларга турли таърифлар беришга интилади [6: С.190-192]. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Гуссерльнинг “фикрлаш методи ва усули ҳатто феноменологиянинг ўзидан ҳам кенгроқ” [7: С.350]. Маълум бўладики, файласуф феноменни шунчаки воқелик, ҳодиса, онг ва тафаккурни ўзига жалб этадиган априори сифатидагина эмас, балки гносеологик изланишларга оид фан даражасига кўтаришга интилади. Файласуфнинг мантиқшуносликка оид қарашлари ва гносеологик мулоҳазаларини кузатиш бизни муаммодан узоқлаштиради, шунинг учун биз диққатимизни “тарихий феномен” ва “маданий феномен” тушунчалари, воқеликлари билан боғлиқ жиҳатларга қаратамиз.

Файласуфнинг “Европа фани инқирози ва трансцендентал феноменология” (“Die krisis der Europaishen wissenschaften und die transzendentale phanomenologie”) асарида тарихий-маданий меросга бевосита тааллуқли саволлар қўйилади. Европа фани инқирозлари тўғрисида фикр борар экан Гуссерль фанни, аввало фалсафани маънавий мерос сифатида қарайди. Агар бу мерос инқирозга учраган экан у билан боғлиқ ҳар қандай “қадрли установакалар, ақл ҳақидаги барча саволлар ва инсоният ҳамда унинг маданияти маҳсуллари ноақлий деб атаётган мавзулар тадқиқотчи томонидан истисно қилиниши зарур. Илмий, объектив ҳақиқат фақатгина жисмоний ва маънавий дунёнинг фактлигини эътироф этишдан иборат бўлмоғи керак. Агар фанлар фактнинг объектив мавжудлигини қандайдир ҳақиқат сифатида эътироф этса, агар тарих бизни,



маънавий дунёнинг барча асарлари, кишиларга хос бўлган барча ҳаётий алоқалар беиз кетувчи тўлқин каби пайдо бўлиб ва йўқолиб турса, ақлий нарсалар мудом ноақлий нарсаларга айланиб турса, эзгу амаллар азобга айланса ва бу ҳар доим шундай давом этадиган бўлса, бирор нарсага ўргата оладими, дунё ва инсон борлиғи мазкур фактлар дунёсида бирор моҳиятга эга бўлиши мумкинми? Бу билан муроса қилиб бўладими? Тарихий ҳодисалар мавҳум интилишлар ва аччиқ афсусларнинг узлуксиз занжиридангина иборат бўлса, бундай дунёда яшаш мумкинми?" [8: С.53-54]. Бу саволлар Европада XX аср бошларида юзага келган инқирозлар пайтида пайдо бўлган ва Гуссерль бу борада якка эмас эди. Унинг позицияси Ф.Ницше ва О.Шпенглер позициясига, методига жуда яқиндир. Ф.Ницше Европа маданияти, ахлоқи, фани, қарашлари, ҳатто христианлик инқирозга учраётгани учун "барча қадриятларни қайта баҳолаб", янги маданият, янги ахлоқ ва янги ҳаёт яратишни нигилистик тарзда илгари сурган бўлса [9], О.Шпенглер эса Европа маданияти ўзининг туғилиш, вояга етиш, камол топиш ва емрилиш каби босқичларни ўз бошидан кечираётганини асослайди [10]. Тўғри, Гуссерль диққатини фалсафага қаратади ва у орқали фанларда юзага келган зиддиятларни, инқирозларни таҳлил қилади. Биз учун муҳим томони шундаки, Гуссерль фалсафани "маънавий феномен", "маданий воқелик" сифатида қараб, уларнинг бутун жамият тараққиётига, кишилар дунёқараши ва трансцендал меросга айланишини очиб беради. Унинг фикрича, фалсафанинг фан сифатида шаклланиши юнонлар меросига бориб тақалса-да, янги давр, айниқса Уйғониш даври уни "эркин ва янгича фикрлаш тарзига айлантирди. У ўзининг ҳайратли намунасини антик меросдан топди, ўзининг ҳаёт тарзида эса ушбу антик давр ҳаёт тарзига тақлид қилди". Шу тарзда янги давр фалсафаси "олам ва одамни мутлақ мутаассибсиз универсал англаш" усули сифатида шаклланди [11: С.54]. Фалсафанинг маънавий феномен экани ва бутун инсоният маънавий меросига айланиши ундаги ана шу универсаллик туфайлидир. Гуссерль ёзганидек, "тарихий жараён силлиқ ривожланиш эмас, руҳ муваффақиятларининг узлуксиз кумулятив ўсиши эмас, тасодифий тарихий вазиятлар билан изоҳланадиган тушунчалар, назариялар, тизимлар каби маънавий воқеликларнинг алмашинуви ҳам эмас. Универсал фалсафанинг маълум бир идеали ва методлари унинг боши, яъни янги давр фалсафасининг ибтидоси ва унинг барча чизиқлари ривожидир" [12: С.57-58]. Ушбу универсаллик фалсафани тарихий-маънавий ва илмий меросга айлантирган, ундан барча таълимотлар, гносеологик изланишлар метод олган. Демак, фалсафа, Гуссерль таъкидига кўра, алоҳида маънавий феномен, у ўзининг ушбу хусусияти туфайли умуминсоний меросга, бойликка айланган. Файласуфнинг мазкур хулосаси бизни келгуси мавзуда фалсафани тарихий-маънавий мерос сифатида ўрганишга ундади.

Маънавий бойликларга тил, урф-одатлар, байрам ва томошалар, лингвистик мерос (лаҳжалар), бадиий эстетик ижод намуналари, халқ ижоди ва санъати, диний ва ахлоқий қадриятлар, идеалларни ифода этувчи символлар, йиғи, куй, айтишув, анъаналар ва маросимлар кабилар киради. Айрим олинган шахс, киши мазкур тарихий маънавий бойликлар қўйнида туғилади, ўсади, шаклланади ва умрини ўтказди. У мазкур бойликларга нигилистча муносабатда бўлолмайди, уларнинг айримларидан воз кечса-да, барча ижтимоий маънавий муҳит яратган бойликлардан юз ўгиролмайди.



Унга ушбу тарихий маънавий бойликлар мавжуд маконда яшаш, агар имкони ва иқтидори бўлса, уларга ниманидир қўшиш имкони берилган, холос.

Тарихий-маданий мероснинг энг муҳим функционал хусусиятларидан бири у авлодлараро алоқаларни асраш ва узлуксизлигини таъминлашдир. Бу ўринда тарихий-маданий мероснинг эволюцион ривожланишни қўллаб-қувватлаши кўзга ташланади.

Мустақиллик йилларида тарихий-маданий меросга бўлган қизиқиш ошди, бу борадаги илмий ижодий изланишларни қўллаб қувватлаш давлатимиз сиёсатига айланди. Бу ҳақда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз нутқларида тарихий-маданий меросни ўрганиш зарурлигини бир неча маротаба таъкидлаб ўтган. Мероснинг авлодлараро алоқаларни асрашдаги функционал хусусияти ҳақида рисолалар, китоблар ва монографиялар чоп этилди. Бироқ диққат билан қарасак, тарихий-маданий мерос шунчаки ўтмишга оид воқелик, бойлик сифатида ёндашиш мавжудлиги кўзга ташланади. Бирорта илмий асарда тарихий-маданий мероснинг экзистенциал онтологик ва ижтимоий функционал хусусиятлари очиб берилмайди. Ҳатто эътиборли манба Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ҳам мерос ҳақида қисқача қилиб унга “аждодлардан авлодларга қолиб келаётган ўтмиш қолдиғи, илмий, адабий, маданий бойликни ҳам билдиради” деб жўнгина таъриф берилади [13: 598-б]. Бу тўғрида биз келгуси мавзуда батафсил тўхталамиз, ҳозир шуни айтиб ўтишимиз лозимки, тарихий-маданий мерос инсоният ҳаётини барқарор воқелик сифатида сақланишига хизмат қилади, авлодлараро алоқаларга тадрижийлик ва динамизм бахш этади. У шунчаки, юқоридаги манбада айтилганидек, “ўтмиш қолдиғи” эмас, у авлодлар ҳаётига узвийлик, динамизм беради, чунки янги авлод ўзининг ижтимоий функцияларини аجدодлар қолдирган ҳаётий тажрибаларга таяниб, улардан ўрганиб, бажаради. Бу кўр-кўрона тақлид, такрорлаш эмас, албатта, янги авлод меросга ниманидир қўшади, ниманидир ўзгартиради, анъанавий ёндашишларни трансформацияга учратади. Бу аслида тинмай ўзгаришга мойил ижтимоий борлиқнинг динамизмга қурилгани таъсиридандир. Демак, тарихий-маданий мерос қотиб қолган, бир авлоддан иккинчи авлодга шунчаки етказиладиган нарса, “қолдиқ” эмас, унда келгуси авлодни изланишга, яратишга ундайдиган мотив, куч, динамизм бор. Меросдаги мазкур динамизм уни ижтимоий тараққиёт учун зарур, фойдали бойликка айлантиради.

Тарихий-маданий мерос мудом маълум бир халқ, миллат этномаданий артефактлари ва этномаънавий анъаналари билан боғлиқ воқелик, феномендир. Шунинг учун мутахассислар, олимлар тарихий-маданий меросни аввало этногенез билан боғлаб ўрганишади [14]. Агар мазкур ёндашувлардан келиб чиқсак, тарихий-маданий мероснинг алоҳида воқелик, феномен экани халқ, миллат генезиси билан узвий боғлиқлигини англаймиз. Ушбу диалектик боғлиқлик тарихий-маданий меросни феноменал воқеликка айлантирган, улар ҳар бир тараққиёт босқичида ўзига хос тарзда уйғун ёки диалектик боғлиқликда келади. Этногенездаги ўзгариш, ўз навбатида, тарихий-маданий меросда ўз инъикосини топади ва, аксинча, тарихий-маданий меросга оид феноменларнинг трансформацияси этногенездаги ўзгаришлардан дарак беради. Хуллас, тарихий-маданий мерос халқ, миллат генезиси билан узвий боғлиқ феномендир.



References:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент, Ўзбекистон, 2021. – Б. 34.
2. Кант И. Сочинения в шести томах. Том 2. – Москва, Мысль, 1964. –С. 392
3. Ўша асар. – С. 396
4. Қаранг: Гегель Г.В.Ф. Работы разных лет в двух томах. – Москва, Мысль, 1971. – С.79-129.
5. Рассел Б. История западной философии. – Новосибирск, НГУ, 1999. – С. 672.
6. Новейший философский словарь. – Минск, Изд. В.М.Скакун, 1998. –С. 190-192
7. Всемирная философия. XX век. – Минск, Харвест, 2004. – С.350.
8. Гуссерль Э. Философия как строгая наука. – Новочеркасск, Агентство САГУНА, 1994. С.53-54
9. Қаранг: Ницше Ф. Воля к власти. Переоценка всех ценностей. -Москва, ООО Транспорт, 1995.
10. Шпенглер О. Закат Европы. Очерки морфологии мировой истории. Т."Всемирно исторические перспективы. – Минск, ООО Попурри, 1999.
11. Гуссерль Э. Философия как строгая наука. – Новочеркасск: Агентство САГУНА, 1994. – С. 54.
12. Ўша асар. – С.57-58.
13. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5 жилд. – Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. – Б. 598.
14. Антология исследований культуры. Т.1 2. – СПб., Лань, 1997; Абрамян Э.Г.У истоков культурной традиции. – Ташкент, Фан, 1988; Чеснов Я.В.Лекции по исторической этнологии. – Москва, Гардарика, 1998; Жаббаров И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент, Ўқитувчи, 1994; Карабаев У. Этнокультура (традиционная народная культура). – Тошкент, Шарқ, 2005; Нишонова О. Ўзбек этномаданиятининг эстетик моҳияти. – Тошкент, Фан, 2013